

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АСТРНОМИЯ ФАНИНИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Г. И. Сайфуллаева

Навоий давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда фундаментал ва касбий аҳамиятга эга бўлган астрономия фаннини ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шулардан бири бу умумий физика курси. Педагогика олий таълим муассасалари (ПОТМ)да бўлажак ўқитувчиларни астрономиянинг турли йўналишлари бўйича тайёрлашда, уларни умумий билишнинг эмпирик методлари билан қуроллантириш, экспериментал компетентлигини такомиллаштириш, ҳозирги ахборотлар оқими кундан-кунга қўпаяётган ва шиддат билан ривожланаётган жамиятишимизда ишлашга тайёрлайди

Калит сузлар: таълим тизими, экспериментал, таълим соҳаси, жамиятишимиз, Педагогика олий таълим муассасалари

КИРИШ

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида астрономия ўқитишнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда, астрономия машғулотларини ахборот технологиялари ва инновацион таълим дастурлари асосида ўқитиш орқали талабанинг мантиқий фикрлаш, техник-ижодкорлик, экспериментал қобилиятини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Таълим соҳасига ахборот технологиялари ва инновацион таълим дастурларини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва тарқатиш асосида очик, мослашувчан, индвидуаллашган, замонавий таълим технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мураккаб мавзуларни шунингдек, тажриба ўтказишида юз бераётган жараёнларнинг сабабларини, мазмун - моҳиятини англаш, амалий машғулотларни олиб бориш шакл ва методларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жаҳон таълим тизимида астрономия ўқитишнинг ташкилий-методик асосларини тадқиқ этишда ахборот

технологиялари ва инновацион таълим дастурлари асосида ўқитишни жорий этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жамият тараққиёти, мамлакатимизда таълим соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар жаҳон андозасига мос етук ва юқори даражада фикрлайдиган кадрларни тайёрлашни тақозо этади. Бу эса ўқитишни ҳам мазмун, ҳам услугуб жиҳатдан юқори поғонага қўтарилишига олиб келади. Астрономия машғулотларини ахборот- технологиялари ва инновацион таълим дастурлари асосида ўқитиш орқали ўқитувчи мавжуд шароитлар ва иш тажрибасига асосланиб ижодий ёндашган ҳолда иш фаолиятини олиб бориши ҳамда талабалар техника тараққиёти бўйича зарурий билимларни эгаллашлари учун замонавий ахборот- коммуникатция муҳитидан фаол фойдаланиши лозим.

Астрономия машғулотларини ахборот технологиялари ва инновацион таълим дастурлари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартағи “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032- сон қарори , 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармони ва 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий -хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқотлар муайян даражада хизмат қиласи

Бу мавзуу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Таълим беришда Астрономия курсининг “Умумий астрономия” бўлими тузилиши ва унинг илмий мазмунини аниқлаш муаммоси астрономия ўқитиш методикасининг асосий масаласи ҳисобланиб келинган. Шунингдек, астрономияга оид дарсликлар мазмунини яратишда ва методикасини ишлаб чиқишида жаҳон олимлари А.А. Папов, В.А. Воронсов- Веляминов, Е.П. Левитан, М.М. Дағаев, Д.М. Жуков ҳамда республика олимлари М.М.Мамадазимов, И. Сатторовларнинг хизматларини эътироф этиш зарур.

Физика ва астрономияни биргаликда ўқитишга қаратилган илмий изланишлар Й.И. Дик, А.В. Пинский, Б.К. Страут, В.Г. Разумовскийларнинг ишларида баён қилинган.

Н.К. Андрианов, В.А. Габбасова, Ф.М. Порошин, И.И.

Мархел қаби қатор олимларнинг ишлари астрономик кузатишларни ўтказиш методикасига ва астрономияни ўқитишида бир қанча намойишли воситаларни қўллашга бағишиланган.

Республикамиз олимларидан У.Юлдашев, В. Қобулов, А.Абдуқодиров, Б. Сатторова, М. Арипов, М. Зиёхўжаев, З Икромова, А. Ҳайитов, У. Бегимқулов, М. Лутфуллаев, С. Ғуломов, А. Абдуллаев қаби қатор олимлар ўз изланишларида таълимни компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бўйича бир қанча ишланмалар яратганлар.

Оҳирги йилларда ахборот технологиялари муҳитида мутахассислик фанлари (физика, астрономия, кимё ва бошқалар) ни ўқитишига бағишиланган методик ишлар И. Билолов, Г. Юнусова, М. Мирзаева, М. Болтаева, Х. Маҳмудова тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Таълим- тарбия жараёнида компьютерлардан фойдаланиш муаммоси билан С.Е. Каменетс, В.В. Лаптев, Э.М. Раводин, И.В. Роберт, Э.И. Машбитс, А.И. Ракитовва бошқалар шуғулланган.

Астрономияни ўқитишида ахборот технологияларини қўллаш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида И.В. Паболков, А.Н. Белолипетский, И. Ерохин, Р.Й. Ерохина, Н. Н. Гомулинанинг тадқиқот ишлари мавжуд.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий- тадқиқот ишларининг таҳлили шуни қўрсатадики, астрономияни ўқитишида ахборот технологияларни қўллашга бағишиланган ишлар жуда оддий тузилган. Намойишли моделлардан ва электрон плакатлардан фойдаланиш усуслари ёритилган бўлиши билан бир қаторда, кўп ишлар умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланишига қаратилган. Педагогика олий таълим муассасаларида астрономия машғулотларини ўқитишида маъруза машғулоти, амалий машғулот, лаборатория машғулотларни турли дастур ва ахборот технологиялари асосида ўқитишига доир ишлар деярли ишлаб чиқилмаган.

Бугунги кунда астрономиянинг турли мавзуларига ахборот технологияларини қўллаб ўрганиш бўйича кўплаб ишлар мавжуд бўлсада, биз билган дастурларнинг барчаси ҳам қулай интерфейсга ва етарлича методик ишланмага эга эмас. Бу эса сифатли график расмийлаштириш имконини бермайди. Сифатсиз анимациялардан фойдаланиш эса талабада содир бўлаётган жараёнга нисбатан нотўғри таассурот қолдириши мумкин. Сифатли ва чиройли

анимациялар талабада машғулотларни тўғри идрок этишига ёрдам беради. Яхши тузилган маъruzа, амалий ва лаборатория машғулотлари талабада мавзуни тўғри тушунишига ва фанга нисбатан қизиқишини оширади.

REFERENCES

1. Г. И. Сайфуллаева А. Р. Сатторов European Journal of life safety and stability Methodology of application of innovative educational technologies from astronomy to laboratory activities 2021 йил
2. Г. И. Сайфуллаева Н.Т. Намозова Н.Н. Раширова Астрономия фанини ўқитишида инновацион методлар ва усулларнинг самарадорлиги International conference Tech- fest- 2021
3. Г. И. Сайфуллаева Ф.И. Эгамова Н.Н. Раширова Мактаб ўқувчиларини стеам физика клубларига жалб этиш ва баркамол авлод болалар мактабида стеам тўгаракларини ташкил этишнинг аҳамияти International conference Tech-fest- 2021
4. Г. И. Сайфуллаева Э. А. Кудратов С.Х. Мирзақандова The role and role of astronomy laboratory teachers in the training of highly qualified teachers in pedagogical higher education institutions